

# Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan 2019-yil 23-iyul, seshanba 49 (9016)-son web sayt: www.qishloqhayoti.uz

## Тракторлар карвони вилоятларга йўл олди

Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводида 20 июль куни мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган пахта-тўқимачилик кластерлари раҳбарлари ва фермерлар билан очиқ мулоқот ўтказилиб, унинг доирасида фермер хўжаликлари ва кластерлар "Ўзагролизинг" акциядорлик жамияти билан турли техникаларни лизингга бериш ва жойларда уларга хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар имзолаган эди.



Фароқ Абдураҳмонов (ўша) олган сурат.

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан республикамиздаги фермер хўжалиқларининг техникаларга бўлган эҳтиёжига оид саволнома ўтказилди. Натижада 2020 фермер хўжалиги раҳбарлари 2019-2020 йилларда жами 239 техникани сотиб олиш бўйича ўз таклифини берди. Шундан 2019 йилда 144, 2020 йилда эса 95 юқори унумли тракторларни сотиб олиш имкончилиги аниқланди. Бундан ташқари, республикада фаолият юритаётган 31 "Томорқа хизмати" МЧЖлар томонидан 2019-2020 йилларда жами 49 техникага талаб мавжуд.

лояти Бағдод туманидаги "Норйўлдош" фермер хўжалиги раҳбари Ғулможон Тўйчиев. – Фермер хўжалигимиз 117 гектар майдонни қамраб олган бўлиб, шундан 68 гектари пахта, 49 гектари ғалла паваришлаш учун ажратилган. Бундан ташқари, сабзавот ҳам етиштиришимиз. Уларга ўз вақтида агротехник ишловлар бериш учун яна қўшимча тракторларни олишга эҳтиёжимиз бор эди. Шу туфайли пахта майдонларига ишлов берадиган ТТ3-811 русумли тракторни харид қилдим. Ортиқча оворарчиликсиз, тез фурсатда тракторни олдим. Мамлакатимизда дала ишлари бир

зум бўлса-да, тинмайди. Айниқса, ёз фаслида дала юмушлари янада кўпайган. Шу боис, деҳқон ва фермерлар қишлоқ хўжалиги техникаларини мунтазам янгилашга интилади. Мақсад иш самарадорлигини ошириш, юқори ҳосил олишдир. – Авваллари ҳам мазкур жамият ишлаб чиқарган 10 га яқин турли трактор ва агрегатларни харид қилганман, – дейди Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги "Ховлонобод Бекзод пахтакор" фермер хўжалиги раҳбари Анвар Нурматов. – Энди пахта далалари ва сабзавот қаторларини юмшатишга мўлжалланган 2 та трактор ҳам олдим. Хў-

жалигимизда 200 гектар майдон бор. Пахта, ғалладан ташқари, дуккакли экинлар, чорва учун озуқа ўсимликларини ҳам парваришлаймиз. Ишимиз самарадорлиги унумдор техникаларга боғлиқ. Улардан тўғри ва ўз вақтида фойдаланаётганимиз учун ҳосилимиз мўл бўлиб, даромадимиз ортмоқда. Жамият мутахассислари ҳар бир техникани яна бир бор кўздан кечириб, кластерлар раҳбарлари ва фермерлар ўртасида зурур тушунтириш ишларини олди борди. Шундан сўнг барча тракторлар манзилига кузатилди. **Абдулазиз МУСАЕВ, ЎЗА мухбири.**



Мақсад ХАБИБУЛЛАЕВ (ўша) олган сурат.

### ҲАРБИЙЛАРНИНГ ФИДОКОРОНА ХИЗМАТИ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

Халқаро аэропортларда хавфсизлиқни таъминлаш кўшинлари ташкил топганининг 25 йиллик байрами "Нукус" Халқаро аэропортда хавфсизлиқни таъминлаш алоҳида батальонида ҳам кенг нишонланди. "Юрт хавфсизлиги йўлида 25 йил" шиори остида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тасарруфидида Халқаро аэропортларда хавфсизлиқни таъминлаш кўшинлари ташкил этилгани, ушбу кўшинлар ўн битта алоҳида батальондан иборат бўлиб, уларнинг вазифаси мамлакатимиздаги халқаро аэропортларда хавфсизлиқни ва жамоат тартибини таъминлашдан иборат экани таъкидланди. Тадбирда фидокорона хизматлари ва намунали хулқи учун ҳарбий хизматчилардан бир гуруҳи қимматбаҳо совға ва пул мукофотлари билан тақ-

### Навоий вилояти "Юксалиш" – ОАВ нигоҳида

"Юксалиш" умумийлик ҳаракати Навоий вилояти ҳудудий бўлинмаси ташаббуси билан вилоятда фаолият юритиб келаётган журналистлар ҳамда блогерлар ўртасида давра суҳбати ташкил этилди. Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотларни, янгиланган ва ўзгаришларни оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари орасида сифатли ёритилиши масалалари муҳокама қилинган ушбу давра суҳбатида "Юксалиш" умумийлик ҳаракатининг мақсади ва вазифалари, амалга оширган тадбирлари ҳамда келгусида белгиланган вазифалари тўғрисида ҳам ахборот берилди. Суҳбат чоғида "Юксалиш" умумийлик ҳаракати томонидан амалга оширилаётган тадбирлар, халқаро грант лойиҳаларини ўзлаштиришга кўмаклашиш ҳамда жойларда Давлат дастурларининг ижроси юзасидан олиб борилаётган мониторинг жараёнларини кенг аудиторияга етказиш бўйича келишиб олинди ҳамда бу борада журналистлар ва блогерлардан иборат гуруҳ шакллантирилди. Тадбир сўнггида эса фаол соҳа вакиллари мазкур ҳаракатнинг аъзолик сертификатлари топширилди. **Отабек АСЛОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

### "Қишлоқ қурилиш банк" қишлоқлар кўркига кўрк қўшишда етакчи

Мамлакатимиз қишлоқларини обод қилиш, аҳолининг яшаш шароитларининг яхшилашга қаратилган қатор Давлат дастурлари ҳамда ислохотлар доирасида 2009-2019 йиллар оралиғида 123 мингдан ортиқ намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши бўйича иш олиб борилди. Ушбу уй-жойларнинг 80 мингдан зиёди бевосита "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан молиялаштирилди. Миллий матбуот марказида "Қишлоқ ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши дастурларида "Қишлоқ қурилиш банк"нинг иштироки" мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида шулар ҳақида батафсил маълумот берилди. Тадбирда 2009 йилда айна мақсадларни назарда тутиб ташкил этилган мазкур молия муассасаси томонидан дастлабки 10 йилда амалга оширилган бир қатор хайрли ишлар тилга олинди. Хусусан, ўтган 10 йил мобайнида намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойларнинг 65 фоизи, яъни, 80 мингдан зиёди мазкур банк ҳисобига тўғри келмоқда. Шунингдек, тадбирда кейинги йилларда янгиланган лойиҳалар асосида олиб борилаётган ишларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Президентимизнинг 2018 йил 24 ноябрдаги "Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуриши кенгайтиришга оид

### Сирдарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида қўра мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ташкил этилди.

### Тадбиркорлар мурожаати доимий эътиборда

Бунда тадбиркорлик субъектлари ҳамда чет эллик инвесторларни қабул қилиш, сайёр қабулларни ўтказиш, тадбиркорлик субъектларининг, шу жумладан, чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни масалаларни кўриб чиқиш ва мавжуд бюрократик тўсқинликни бартараф этиш, тадбиркорликни ривожлантиришга ва чет эл инвестицияларини жалб этишга тўсқинлик қилаётган тизимли муаммоларни мониторинг қилиш каби масалалар кўзда тутилган. Шу асосда жойларда тадбиркорлик субъектлари билан жонли мулоқотлар ўтказилиб, уларнинг муаммоларини бартараф этишга эришилмоқда. Ушбу сайёр қабулларда қатор вазирлик ҳамда идораларнинг мутасаддилари иштирок этапти. Тадбиркорларнинг қонуний талаб ва тақлифлари чуқур таҳлил қилиниб, уларни туман ва шаҳар даражасида қаноатлантириш имконияти бўлса жойида, агар улар вилоят ёки республика миқёсида бўлса марказда ҳал этилишига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Сирдарё вилоятидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонасининг иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Шу икки ой мобайнида икки юзга яқин мурожаат кўриб чиқилди. Мурожаатларнинг аксарияти сайёр қабул чоғида келиб тушган бўлса, бир қисми бевосита бизнинг ўзимизга келиб тушди. Шу билан биргаликда қабулхонанинг ишонч телефонлари орқали ҳам мурожаатлар қабул қилиняпти. Мурожаатлардаги масалаларни ўз вақтида бартараф этишга жиддий ёндашилмоқда. Масалан, ҳозирга қадар келиб тушган мурожаатларнинг асосий қисми ҳал этилган. Қолгани ҳам ҳал этилиши арафасида турибди. Уларнинг ижроси доимий назоратта олинган. Масалан, Ховос туманида яшовчи Ҳалима Мўминова "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида Халқ банкидан 20 миллион сўм миқдорда микроқарз сўраган экан. Унинг мурожаати асосида ўрганиш ўтказилди. Ўрганиш жараёнида турли баҳоналарнинг рўқач қилиниши, отанга бор, онанга бор қабилида иш тутилганлиги маълум бўлди. Мурожаатчининг талаби 7 иш кунинда ҳал этилди. Ўтказилаётган сайёр қабуллардаги мурожаатлар таҳлили шуни кўрсатдики, тадбиркорлик субъектлари асосан, банклардан кредитлар олишда қийналяпти. Шу билан бирга айрим тадбиркорларда ҳали ҳуқуқий билимларнинг етарли эмаслиги ҳам аён бўлмоқда. Биз ўз вақтида уларга ер, кадастр ва архитектура қурилиш масалалари бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар ҳам беришга интиляямиз. Таҳлиллар аҳолининг кўпчилиги қисми ҳусусий, оилавий тадбиркорлик фаолиятига кенгроқ ва фаол жалб этилаётганини кўрсатмоқда. Бу борада умумий ишимизга тўсқинлик қилувчи бир қанча салбий омиллар сақланаётганлигини кўрсатмоқда. Энг аввало, тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда сансалорлик ҳолатларининг мавжудлиги, юзга келаётган масалаларни тўлиқ қамраб олиш даражасининг пастлиги, тадбиркорларнинг муаммолари ва мурожаатларини ҳал этишга юзаси муносабатда бўлиш ҳолатлари мавжудлиги кўзга ташлана бошлади. Албатта, бу ишларнинг самарали амалга оширилмаслиги аҳолининг ўз навабатида тадбиркорлик фаолиятини сусайтиришга, ишбилармонлик муҳитининг бутилишига олиб келиши турган гап. Шунинг учун ҳам тадбиркорликни ривожлантиришга ва қулай инвестиция муҳитини шакллантиришга тўсқинлик қилувчи муҳим муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича аниқ ишларини амалга ошириламиз. Бунда, албатта, тадбиркорлар билан бевосита мулоқот қилишга, шунингдек, уларнинг қонуний талабларини аниқлаш ва теъзорлик билан ҳал қилишга ҳамда муаммоларини бартараф этишга алоҳида эътибор берилляпти. Жойларда "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури ва тадбиркорларнинг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган ташаббусларини ўз вақтида амалга ошириш, ушбу жараёнга ёшлар ва хотин-қизларни жалб қилиш, барқарор янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг иш билан бандлигини ошириш ва унинг моддий фаровонлигини ўстириш энг муҳим вазифалардандир.

Умиджон РАСУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Сирдарё вилоятидаги Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудири.

жанининг компаниясининг махсус ҳисоб-қисматларига ўтказилди. Жорий йилда қуриладиган арзон уй-жойларнинг айримларининг энергия самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча харажатларни қоплаш мақсадида БМТ Тараққиёт дастури ва Глобал экологик фондининг 1 миллион АҚШ доллари миқдордаги грант маблағлари йўналтирилиши кўзда тутилган. Бугунги кунда БМТ Тараққиёт дастури ўртасида Бухоро, Самарқанд, Сурхондەر, Фарғона ва Хоразм вилоятларида қуриладиган арзон уй-жойларнинг 800 тасининг энергия самарадорлигини ошириш бўйича ушбу маблағга тенг миқдордаги қўшимча харажатларни қоплаш бўйича битим тузилди. Матбуот анжуманида қишлоқ ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши ҳамда банк фаолиятининг келгусидаги асосий йўналишлари бўйича маълумотлар берилди. **Суҳроб ЗИЁДУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

## Андижон вилояти

**Жалақудуқ туманидаги "Тоҳиржонов Умиджон даласи" фермер хўжалигида деҳқончилик маданияти борасида ўзига хос илғор тажриба яратилган. Экинлар ўз вақтида, сифатли парваришланадики, ҳосил чўғи ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.**

# Бордонида дони борнинг



## ИШИДА БАРАКА БОР

– Даланинг атрофидан айланган билан эгат ораланинг фарқи хирмон кўтаришда билинади, – дейди мазкур фермер хўжалиги иш бошқарувчиси Нурмухаммад Мамасолиев. – Кузда бугдойнинг маҳаллий "Аср" намини танлади. Ушбу нав кўнглимизга ўтирди. Кутганимиздан зиёда ҳосил берди. Мутахассислар бизнинг донни кўриб, уруғликка мўлроқ олишни тавсия этишди. Икки юз тонна дон тайёрлаган бўлсак, шунинг 170 тоннаси уруғликка қабул қилинди.

Избоскан туманидаги "Абдулазиз бўстон", Пахтабод туманидаги "Мақсуда Қажрамон", Марҳамат туманидаги "Ойдин йўл", Бўз туманидаги "Робияхон Каримова", Балиқчи туманидаги "Балиқчи сара уруғлари", Улуғнор туманидаги "Дилшод", Олтинкўл туманидаги "Гул-гун диёр" ва бошқа фермер хўжалиқларида ҳам жорий йил деҳқончилиги барчани бирдек қувонтираётганлиги гувоҳ бўлди.

Сўнги йилларда кам ҳосилли галла ва гўза майдонлари босқичма-босқич қисқартирилмоқда. Жумладан, Андижонда ҳам кейинги икки йилда галла майдонлари 2 минг гектарга қисқартирилди. Шу бораберида ҳосилдорлигини ошириш билан боғлиқ ташкилий ишларга эътибор орди. Фахр ва ифтихор билан айтишимиз мумкин, жорий йилги галла мавсуми кўрилатган чора-тадбирларнинг рўёбини кўрсатди.

Вилоят галлачилиги тарихида илк бор давлат оморларига 300

минг тоннадан зиёд бугдой топширилди. Бундай улкан хирмоннинг яратилиши ортида фермерларнинг иқтисодий самара кўриши йўлида олиб борилган чора-тадбирлар ҳам алоҳида аҳамият касб этди. Етиштирилган бошоқли доннинг ҳосилдорлигига қараб, давлат хариди учун етказиб берилган қисмига нисбатан 25 фоизгача устамалар ёки чегирмалар жорий этилиши ўзаро рақобатни, ташаббускорликни юзга чиқарди.

Ўнлаб эмас, юзлаб фермерлар ҳосилдорлиги 70-80 центнердан оширишга муваффақ бўлишди. Тайёрлов корхоналарига ҳар гектар ердан 39 центнердан галла етказиб берилганлиги, ушбу кўрсаткичнинг уруғчилик хўжалиқларида 50 центнергача етганлиги Андижон галлачилиги мактабининг энг ёрқин ғалабасидир.

Давлат эҳтиёжи учун етказиб берилган галла ҳисобига 460 миллиард сўм даромад кўрилди. Шундан салкам 60 миллиард устамани ташкил этади. Лўнда қилиб айтсак, ҳар тонна галла харид нархига давлат томонидан 300 минг сўм қўшиб берилмоқда. Аввалги йилларда фермерлар имкон қадар ортқича галлани яширишга ҳаракат қилганликлари сир эмас. Бу мавсумда юзлаб фермерлар етиштирилган ҳосилларини зиёдаси билан тайёрлов корхоналарига топширди. Фермер хўжалиқларида олдин қайд

этилмаган ижобий натижалар кўлга киритилди.

Зикр этилганидек, таркибий ўзгаришлар боис, уруғчилик тизимини юқори кўтаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Галла майдонларининг салкам 40 фоизига Дон ва дуқакли экинлар илмий-тадқиқот институтида яратилган маҳаллий бугдой навлари жойлаштирилди. Истикболда ушбу кўрсаткични 50 фоиздан ошириш имконияти бор.

Ўрим-йигим мавсумини уюшқоқлик билан қисқа муддатларда ўтказиш ҳам мавсумнинг асосий бўлаги бўлди. Сўнги 2 йилда машина трактор парклари унумли 46 та комбайн билан бойитилди. Натيجанда комбайнларнинг ҳаракатланиши кескин қисқарди ва доннинг табиий тўкилишининг олди олинди.

Айни дамда галла майдонлари ўрнига такрорий экинлар экиш шароити ҳисобга олган ҳолда, режа асосида олиб борилмоқда. – Касби корим бўйича иқтисодчман, – дейди Шаҳрихон туманидаги "Қаққар юлдузи" фермер хўжалиги раҳбари Тоймирза Юсуфов. – Дон етиштириш ва тайёрлаш борасида амалга оширилаётган молиявий ислохот ўз натижасини берди. Давлат оморлари қаторида хирмонларда тонна-тонна бугдой қолди. Қишлоқда яшаётганлар ўз хонадонидан дон бўлишига хотиржамликнинг белгиси сифатида қа-

рашади. Қоп-қоп эмас, тонналаб бугдой олган хўжалигимиз аъзолари энди гўзаси атрофида парвона бўлишиб, шонани гулга, гулни эса кўсакка айлантириш учун ишламоқда.

Дарҳақиқат, галланинг мўл-қўл бўлиши гўза парваришига ҳам ижобий таъсир этмай қолмайди. Негаки, меҳнатининг самараси ўлароқ, тонналаб бугдойга эга бўлган фермер хўжалиқлари аъзолари гўза парваришига ҳам зўр ғайрат билан астойдил киришади, бор кучини ишга солади. Мана, масалан Избоскан туманидаги "Тиллабоев олтин даласи" фермер хўжалиги аъзолари галладан 70 центнердан ошириб ҳосил олди. Гўза парваришини ҳам оби-тобида амалга оширдик, бугун олди кўсаклар очилишни бошлади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бугун вилоятдаги галладан бўшаган етмиш етти минг гектар ерда такрорий экин экиш ишлари ҳам уюшқоқлик билан давом этмоқда. "Бир маҳалла-бир маҳсулот" тамойили кенг қўлчан ёймоқда. Бўзда сабзи, Балиқчида помидор, Пахтабодда ерөнгоқ, Қўрғонтепада картошка, Улуғнорда полиз экинлари устувордир. Айни пайтда озик-овқат захирасини яратиш мақсадида эҳтиёжга яраша бошқа экинлар ҳам экилмоқда.

**Қобилжон Асқаров,**  
"Qishloq hayoti" мухбири.

## Наманган вилояти

## Баравж гўзалар баракали ҳосилдан далолат

**Ўтган йиллар мабойида Мингбулоққа ҳокимлик қилган раҳбарлар қишлоқ хўжалиги соҳасида мақбул тизим яратишди. Нафақат вилоят, балки республика миқёсида эттироф этилаётган мингбулоқ ташаббуси, мингбулоқ мактаби, мингбулоқ тажрибаси каби терминларнинг тез-тез қўлқона чалиниши ҳам бежиз эмас.**

Деҳқоннинг бош қашига вақти йўқ айна тигиз палларда Мингбулоқда бўлди. Қарийб 9 минг гектар майдонда галла етиштириб, режани ортиги билан бажарган лафзи ҳалол мингбулоқликлар айни кунларда бор эътиборни 13 минг гектарга яқин ердаги гўза парваришига қаратган.

– Жорий йилда 8416 гектар ерга гўзанинг эртапишар "Наманган 34", "Наманган 77", "Андижон 35", 1500 гектар ерга ўртапишар "С-6524", "Порлоқ-1", 3000 гектар майдонга янги синов навлари бўлган "Бухоро-2", "Султон", "Андижон-36" навлари қадалиб, барча агротехник тадбирлар белгиланган муддатда, сифатли амалга оширилмоқда, – дейди туман ҳокими вазифининг бажарувчи Нуршоҳ Худойбердиев. – Бунинг натижаси эса гўзаларда ўз аксини топапти.

Туманда кластер хизматининг йўлга қўйилгани қатор фермер хўжалиқлари галла сарамали фаолият юритиши учун катта имкониятлар эшигини очиб берди. Ўғит, ёнилғи-мойлаш материалларида узлишга йўл қўйилмади. Жорий йилнинг ўзида 18 та ҳайдов трактори, 9 та пахта териш машинаси ва 162 та барча агротехник тадбирларни бажара оладиган мосламалар таъминоти амалга оширилди. "Қизилқум М", "Нурали



Сайдалиевич", "Сайдали хожи", "Белое дала НМО", "Мулқобод орзулар диёри", "Бахтиёр Абдусаломович", "Чинор 2000", "Раҳмонли ота ЙНР", "Қажрамон Назиржонович", "Парвоз олтин чашмаси" каби 40 центнерлик маррадан ўзиб, 45 центнерликлар сафидан ўрин олиш мақсадида тер тўкаётган фермерлар сони кенгайиб бораётди.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси билимдони, туман фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томоққа ер эгалари кенгаши мутахассиси Хайбулло Иномов билан фермер Баҳодиржон Қодировнинг даласида бўлди.

– Тасарруфимизда жами 103 гектар ер бор, – дейди Баҳодир Абдусалом ўғли фермер хўжалиги раҳбари Баҳодиржон Қодиров. – Шундан 50 гектарига

бугдой экиб, 64 центнердан ошириб ҳосил олди. Режани 120 фоизга бажардик. 155 тонна дон ўзимизга қолди. Даромадимиз 251 миллион сўмни ташкил этди. Галладан бўшаган майдонларга пешма-пеш экилган мош уруғи қийғос униб чиқди. Мақсадимиз, бу мавсумда ҳам камида 30 тонна сифатли мош етиштириб, экспорт қилиш.

Ушбу фермер хўжалигининг 50 гектарлик даласида барқ уриб ўсаётган гўза ниҳолларини ҳам кўриб, қўндиниз қувнайд. Гўза шохларидаги кўсаклар, гул ва шоналар бу йил ҳам хўжалиқда камида 35-40 центнерлик марра эгаланишидан далолат бермоқда.

**Раваббек МИРЗАОЛИМОВ,**  
"Qishloq hayoti" мухбири.

**Ёш бўлишига қарамай ўнлаб бино ва иншоотларни барпо этаётган моҳир қурувчилардан Ихтиёр Тошпўлатов, Рустам Пармоновларни нафақат Жиззах вилоятида, балки қўшни воҳаларда ҳам яхши билишади.**

## Жиззахлик моҳир қурувчилар

– Мана, ўн йилдирки қурувчилик касбини ардоқлаб келаман, – дейди "Абдувоҳидқурилиштаъмир" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ихтиёр Тошпўлатов. – Қўлимда қурилажак иншоотларнинг лойиҳаси турсада, барибир ҳаяжон босаверади. Устозим Ақром Раҳмонқулловнинг қуйидаги сўзлари ёдимга тушаверади: ҳалоллик ширин бўлсин, шунда ишингда барака бўлади. Бунга амал қилиб кам бўлмадик. Қурилиш-монтаж ишлари учун ўндан ортқича техникалар олдик, турли хилдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини йўлга қўйиб, олтишдан ортқича иш ўринларини яратдик.

Айни дамда "Абдувоҳидқурилиштаъмир" масъулияти чекланган жамияти жамоаси Жиззах шаҳрининг Қассоблик маҳалласидаги 16-сонли мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилмоқда. Бу ерда ишчилар учун зарур барча шарт-шароитлар яратилган.

Рустам Пармонов раҳбарлик қилаётган "Пойдеворқурилиш" масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳақида ҳам илқ фикрларни айтиш мумкин. – Ҳар гал вилоятимиз узра айланарканман, ўзимиз қурган замонавий биналарни кўриб ич-ичимдан фахрланаман, кўнглим тонгдай ёришади, – дейди Рустам ака ҳаяжонлиб. – Қурувчи учун бундан ортқича бахт бўлмаска керак?

Айни дамда мазкур қурувчилар жамоаси Зомин тумани марказида, шунингдек, Жиззах шаҳрида қатор бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқдалар.

**Шароф СУЛТОНОВ**

## Инспекция Низоми тасдиқланди Унда нималар кўзда тутилган?

**Президентимизнинг жорий йил 15 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлда "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.**

Ушбу қарор асосида инспекциянинг Низоми ҳам тасдиқланди. Унга қўра, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши, пахта ва бошоқли дон экинлари уруғларида давлат томонидан буюртма бериш, уруғ тайёрлаш ва уни қайта ишлаш ҳамда сақлаш бўйича талабларга риоя қилиниши, давлат буюртмасининг режалари амалга оширилишига мувофиқ ҳажмларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари захираларини шакллантириш бўйича талабларнинг бажарилиши, пахта, бошоқли дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили ҳамда уларнинг уруғлари, шунингдек, улардан қайта ишланган маҳсулотларнинг сифати, улардан оқилонга ҳамда мақсадли фойдаланилиши, уларнинг сифатли сақлалини ҳамда нобудгарчилигининг камайирилиши, қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг генетик софлиги ва уруғлари сифати соҳасидаги давлат сиёсатининг ижро қилиниши, аккредитация соҳасига мувофиқ уруғларни сертифицирлаш, уруғ ҳамда кўчат материалларининг



сифатини аниқлаш ва назорат қилиш бўйича ишларнинг амалга оширилиши, қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилонга фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, инспекция зиммасига юклатилган вазибалар доирасида қонунчилик талабларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мақсадида инспекциянинг асосий вазибалари этиб белгиланди.

Шунингдек, экспорт-импорт ва республика ичидаги ташишларда пахта хомашёси, бошоқли дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили ва уларнинг уруғлари ҳамда улардан қайта

ишланган маҳсулотлар сифатини мажбурий давлат текширувидан ўтказиш ишлари ҳам инспекция томонидан амалга оширилади. Эндиликда, қишлоқ хўжалиги тизимида ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиши сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш чораларини кўриш ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш ҳам айнан инспекция томонидан бажарилади.

Шунингдек, келгусида инспекция томонидан юқоридаги

вазифаларни бажариш учун кенг қамровли вазибалар белгилаб берилди. Эндиликда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни фермер, деҳқон хўжалиқлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларга ноқилоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини ажратиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар бузилишининг олдини олишга доир комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади.

Ерлардан қатъий равишда мақсадли фойдаланилиб, сугориладиган экин майдонларининг муомаладан чиқарилишига йўл қўйилмайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича қабул қилинган шартнома мажбуриятларига риоя этилиши таъминланади.

Низомга асосан, инспекция ваколатига тааллуқли ишлар бўйича текширув ўтказиш ҳуқуқига ҳам эга бўлди. Жумладан, қишлоқ хўжалиги ерларидан ноқилона фойдаланиш, сув ресурсларни исроф қилганлиги, минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш материалларини ўғитлаш, гидротехника, мелiorация иншоотлари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасининг хўжасизларча фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш, норматив ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида мансабдор шахсларни огоҳлантириш, давлат органлари ва ташиқлотларига, шунинг-

дек, идоравий бўйсунувидан ва мулкчилик шаклларида қатъий назар юридик шахслар ва уларнинг мансабдор шахсларига ҳамда жисмоний шахсларга бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмаларни бериш, соҳада қонун бузилиши ҳолатларини ҳамда уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида идоравий бўйсунувидан ва мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона, муассаса ва ташкилотларга ижро этилиши мажбурий бўлган тақдирималарни киритиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, инспекция ваколатига тааллуқли ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазоларни қўллаш, сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан сув олиш тартибини бузганлик учун жарима санкцияларини қўллаш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш амалиётини таҳлил қилиш, уларнинг ҳисобини олиб бориш ҳамда ушбу соҳада ягона амалиётни шакллантириш инспекция зиммасига юклатилди.

Буларнинг барчасидан кўзланган асосий мақсад, қишлоқ хўжалигида адолатли қонунчилик назорати тизимини яраттириш. Бу эса халқимизнинг манфаати, фаровонлиги ва юрт тараққиётига хизмат қилади.

**Гулбахор ГАНДЖАЕВА,**  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими бошлиғи вазифининг бажарувчиси.

# СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ПАХТАЧИЛИК ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ҲАМДА КЛАСТЕРЛАРИ ИШЧИ ВА ХОДИМЛАРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МИРИШКОР ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОНЛАРИГА МУРОЖААТИ

## Қадрли дўстлар!

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев 2019 йил 18 июль куни вилоятимизга ташрифи чоғида пахта далаларида бўлиб, ғўза ривожини билан яқиндан танишдилар.

Давлатимиз раҳбари биз – фермерлар билан бўлган учрашувда бу йилги мавсумни пахтачиликда ҳам муваффақиятли яқунлаш бўйича олдимизда турган вазифаларни алоҳида таъкидлаб, уларни ҳал этишни йўл-йўриқларини аниқ-равшан кўрсатиб бердилар.

Президентимизнинг: “Чўл қўши ва ҳаёт синовларида тобланган, омилкор, азму шижоатли сирдарёлик фермерлар ғўза парвариши борасида зарбдор 40 кунлик эълон қилиб, шу вақт мобайнида ўзларини аямасдан, астойдил меҳнат қилиб, вилоятда ғалла етиштириш бўйича эришилган ютуқлар тасодиф эмаслигини исботлайдилар, деб ишонаман. Воҳанинг азамат деҳқонлари қишлоқ хўжалигидан юқори ҳосил ва катта даромад олиб, фаровон ва бадавлат яшашга тўла ҳақлидирлар. Бугун даладаги ғўзанинг баравж ривожини кўриб, бунга ҳар томонлама амин бўлдим”, деган фикрлари бизни янада руҳлантириб юборди. Бу сўзлар биз учун албатта дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Ҳақиқатан ҳам, бу йилги мавсум пахтачиликда мўл ҳосил етиштириш учун жуда қулай келди. Бу борада қишлоқ хўжалиги ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш, ғўзани парвариш қилишда агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, соҳага инновацион технологияларни жорий этиш учун давлатимиз томонидан барча шароитлар яратиб берилганлигини биз – деҳқон ва фермерларнинг кучимизга куч, гайратимизга гайрат қўшмоқда.

Айниқса, пахтанинг харид нархи ўтган йилга нисбатан қарийб 1,3 баробар оширилиб, унинг 1 тоннаси учун 4 миллион сўм нарх белгилангани, имтиёзли кредитлар, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ўз вақтида жойларга етказиб берилганлигини бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари, бу йилги об-ҳаво

шароитида зарарли ҳашаротлар кўп бўлганини ҳисобга олиб, уларга қарши курашиш учун республикамиз бюджетидан дотация сифатида 120 миллиард сўм, жумладан, Сирдарё вилояти фермерларига 10,5 миллиард сўм маблағ ажратилганини таъкидлаш зарур.

Бу йил пахтачиликка томчилатиб сугориш технологияларини жорий этган фермерларга давлат бюджети ҳисобидан ҳар бир гектар ер учун 8 миллион сўмдан субсидия маблағи ажратилаётгани ҳам муҳим рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Соҳа ривожига қаратилган яна бир амалий эътиборни алоҳида қайд этиш лозим. Икки йилдан буён фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларига қарашли насос агрегатлари томонидан сарфланаётган электр энергияси қиймати давлат бюджетидан ажратиладиган субсидиялар ҳисобидан қоплаб берилмоқда.

Сўнги йилларда қўшилган қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга асосланган пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилаётгани пахтачилик тармоғидаги энг муҳим янгиликлардан бири бўлди.

Жорий йилда вилоятимизда 38 минг гектар ерда ёки умумий пахта майдонининг 52 фоизидан 5 та замонавий кластер корхонаси фаолият олиб бормоқда. Улар томонидан 350 дан ортқ янги қишлоқ хўжалиги техникалари харид қилинган чигит экишни 10-12 иш кунини яқунлаш имконини берди.

Бу ислохотларнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, кластерларнинг тажрибали мутахассислари далага чигит экилганидан буён биз билан ёнма-ён туриб, ғўза парвариши билан боғлиқ барча агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказилишига яқиндан кўмаклашмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг биз – фермер ва деҳқонларга кўрсатаётган улкан эътибор ва ғамхўрлиги, камтарона меҳнатимизга бериб келаётган юксак баҳоси қалбимизга қувонч ва ғурур бағишлаб, ўз кучимизга бўлган ишончимизни янада оширади, айни вақтда зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди.

Бу масъулият биздан янада самарали

меҳнат қилишни, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари қатори пахтачилик бўйича зиммамизга олган шартнома мажбуриятимизни ҳам шараф билан адо этишимизни тақозо этишини албатта барчамиз яхши англаймиз.

Айниқса, ҳосил тақдирида ҳал қилувчи палла бошланаётган шу кунларда бу ҳақиқатни барчамиз чуқур ҳис этмоқдамиз.

Чиндан ҳам, машаққатли меҳнат ва катта харажат эвазига етиштирилаётган ҳосилни нафақат тўла сақлаб қолиш, балки уни янада кўпайтириш мақсадида қишлоқ хўжалиги ходимлари ва мутасаддилари, сувчи ва механизаторлар, аграр соҳа мутахассислари билан биргалликда барча фермер ва деҳқонлар масъулиятни икки карра ошириб, куну тун далада бўлишимиз, бир тану бир жон бўлиб ишлашимиз ҳамда бу йил ғалла каби пахтадан ҳам мўл ҳосил ва юқори даромад олишимиз шарт.

Кўпни кўрган тажрибали фермер ва деҳқонларимиз июль-август ойлари ғўза айни ривожланадиган, деҳқончасига айтганда, экин кечаю кундуз кучга кирадиган, ҳосил тўплайдиган энг долзарб палла эканини, бу даврда қандай агротехник ишлар амалга оширилиши зарурлигини жуда яхши биладилар.

Буни тўғри тушунадиган вилоятимиз фермерлари 2019 йил пахта ҳосили учун тузилган контрактация шартномаларини қайта кўриб чиқдилар. Натижада пахта етиштирадиган 1 минг 474 та фермер хўжалигининг 282 таси режадаги 26,7 центнер ўрнига гектаридан 40 центнердан, 897 таси 35 центнердан ва 295 таси 30 центнердан юқори ҳосил олиш учун янги шартномалар тузиб, пахта тайёрлаш шартномавий режасини вилоят бўйича ошириб бажаришга қарор қилдилар.

## Хурматли миришкор фермер ва деҳқонлар!

Биз – сирдарёлик фермер ва деҳқонлар, пахтачилик кластерларининг ишчи ва ходимлари ғўза ривожига ўта долзарб аҳамиятга эга бўлган ҳозирги кунларнинг ҳар бир дақиқасини ғанимат билиб, 20 июндан 30 августга бўлган

муддатни мамлакатимизда “Ғўзадан кафолатли ҳосил яратишнинг 40 кунлик зарбдор ойлиги” деб эълон қилишни тақлиф этамиз.

Ана шу зарбдор давр мобайнида куйидаги тадбирларни амалга оширишга жиддий эътибор қаратишимиз зарур, деб ҳисоблаймиз.

**Биринчидан**, ташкилий ишларни яна бир марта, бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда, қайтадан, пухта режалаштириб олайлик.

**Иккинчидан**, деҳқонларимизнинг тўплаган кўп йиллик бой тажрибасига таяниб, замонавий илм-фан ютуқлари, инновацион агротехнологияларни қўллашга алоҳида эътибор қаратайлик.

Сир эмас, кейинги йилларда глобал иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатлари юртимизда ҳам сезилмоқда. Жорий йил 11 июндан буён республикамизнинг барча ҳудудларида қуруқ ва жазирама ҳаво сақланиб қолмоқда. Ҳарорат ўтган йилларнинг шу давридаги ўртача меъёрдан 5-7 даража юқори бўлмоқда.

Бундай ҳолат барчамиздан янада тадбиркорлик билан ишлашни талаб этади. Биз табиат инжиқликларини ўз билим, тажриба ва маҳоратимиз билан мардонавор энгиб ўтишимиз, ўтган йиллардаги натижалар билан чекланиб қолмасдан, янада юқори марраларни кўзлаб иш-тутишимиз лозим.

Шу кунларда сувчилар сонини икки баробар кўпайтириб, улар учун зарур шароитлар яратиб, кечаю кундуз ғўзани сифатли сугоришни таъминлайлик.

“Зар қадрини заргар, сув қадрини сувчи билади”, дейди халқимиз. Шу ҳикматга амал қилиб, сувнинг бир томчисини ҳам исроф қилмасдан, ғўзани фақат тунда, қатъий тизим асосида, шарбат усулида сугориб, ғўзанинг тагида доимо нам сақланишига алоҳида эътибор қаратайлик.

**Учинчидан**, мавжуд культиваторларни даладан чиқармасдан, уларнинг “отряд” ва “наряд” тизимида ишлашни ташкил этиб, сугорилган майдонлар тобга келиши билан уларни пешма-пеш “майин” культивация қилайлик.

**Тўртинчидан**, ғўзани чеканка қилиш-ни 25 июнга қадар тўлиқ яқунлаб, зарар-

кунанда ҳашаротларга қарши комплекс ёндашув асосида курашни давом эттириб, ғўзага махсус препаратлар билан ишлов беришга ҳамда ушбу тадбирларни куннинг салқин пайтларида амалга оширишга аҳамият берайлик.

Муҳтасар айтганда, табиат ўзбек деҳқонларининг нимага қодир эканини, уларнинг сабр-бардоши, билим ва тажрибасини яна бир бор синовдан ўтказётган шу кунларда барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, муҳим агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириб, барча саъй-ҳаракатларимизни пахтадан юқори ҳосил етиштиришга йўналтирайлик.

## Азиз юртдошлар, қадрли фермерлар!

Бугун халқимиз бизни “ризқ-рўзимиз бунёдкорлари” деб улуғлаб, азму шижоатимиз, гайрат ва матонатимизга кўз тикиб турганини бир зум бўлса-да, эсдан чиқармаслигимиз керак.

Дастурхонимиз тўкин-сочин, бозорларимиз ноз-неъматларга тўла ва арзон, турмушимиз фаровон бўлиши бизнинг машаққатли меҳнатимизга боғлиқ. Нега деганда, бугунги кунда пахтачиликнинг нафақат мамлакатимиз sanoати ривожига, балки аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги ўрни ҳам беқиёс бўлиб, уни ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди. Хусусан, бозорларимизни гўшт, сут, тухум каби муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришда мазкур тармоқнинг ролу нақадар катта эканини унутмайлик.

**Биз муҳтарам Юртбошимизнинг юксак ишончини оқлаб, мамлакатимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиш учун барчангизни сидқидилдан ҳалол ва фидоикорона меҳнат қилишга чақирамиз!**

Барчангизга сиҳат-саломатлик, эзгу ва олижаноб ишларингизга қут-баракат тилаймиз. Бу йилги мавсумда улкан хирмон барпо этиб, халқимиз олдида юзимиз ёруғ бўлиши ҳаммамизга насиб этсин.

Сирдарёлик фермер ва деҳқонлар.

## ✓ Мутахассис тавсиялари

# Чилпиш – ғўза парваришидаги муҳим агротехник тадбир

**Чилпишнинг ўз вақтида бажарилиши ғўзада шона, гул тугунчаларини сақлашга, кўсак пайдо бўлиш ва етилиш жараёнларини жадаллаштиришга хизмат қилади. Натижада кўсакларнинг пишиши 5-10 кунга тезлашиб, ҳосилдорлик 3-4 центнерга ортади.**

Маълум бўлишича, ғўза тупида пайдо бўлган ҳосил элементларининг 70-80 фоизи ва ундан кўпроқ қисми тўқилади. Агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли ўтказилмаса, бу кўрсаткич янада ортади. Ғўза гулга кириши билан ундаги шоналар тўқила бошлайди, аммо шона, гул ва тугунчаларининг кўплаб тўқилиши ғўзанинг гуллаш ва ҳосилга кириш даврига тўғри келади. Бу даврда ҳосил органлари кўп тўқилишининг асосий сабаби, ғўзага сув ёки озиқ моддаларининг етишмай қолишидир. Бу даврда ғўза озиқ моддаларни энг кўп истеъмол қилади. Шунга кўра гуллаш-ҳосил тўплаш даврида ғўзани ўз вақтида

ва яхши парваришлаш, унга сув ва озиқ моддаларнинг етарли миқдорда, узлуксиз келиб туришини таъминлаш гоё муҳимдир.

Ниҳоллар ривожини ҳар хил бўлган тақдирда чилпишни икки марта ўтказиш керак бўлади. Аввалига асосий ўсиш нуқтаси қирқилса, орадан 7-10 кун ўтгач, ён шохларининг учлари чилпиб ташланади. Пахтакорларимиз чилпишни асосан кўлда бажаришади. Шунда асосий ва ён шохларнинг ўсув нуқталари билан бир қаторда шохчаларини ҳам чилпишади. Кўпчилик хорижий мамлакатларда чилпиш кимёвий усулда амалга оширилади. Улар биздагига қараганда анча барвақт,

дастлабки гуллар пайдо бўлаётган даврда ғўзага Пикс дорисини пурқайдилар. У билан бир қаторда кимёвий усулда чилпиш учун Тур, Устикс, Долпикс, Со-же-ан каби дорилар ишлатилади.

Пикс дориси бошқа препаратларга нисбатан бир қанча афзалликларга эга. У сепилгач, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ўртасида мувофиқлашув яхшиланиб, ҳосил эртаги ва тала эса сифатли бўлади. Шунингдек, ғўза тупи ихчам арчасимон шаклга киради. Бу эса қатор орасида ҳаво алмашинувини яхшилашга ҳамда кўсаклар чиришининг камайишига олиб келади. Энг асосийси, биринчи терим салмоғи гектаридан 5-6 центнерга ошиб, ҳосилни қисқа муддатларда йиғиштириб олишга имконияти яратилади.

Кимёвий чилпиш кўлда бажариладиган оғир меҳнатга барҳам беради. Пиксинг ўхшаши бўлган Устикс дорисини эса ўзимизда ишлаб чиқаришга ва амалда қў-

лашга руҳсат берилган. Устикс ҳам ўсимликнинг говлаб кетишини тўхта-тиши, пахта ҳосилини кўпайтириши билан Пиксга ўхшайди. Утир ҳидли эканлиги, захарлилиги сабабли уни қўлашда санитария қоидаларига қатъий амал қилиш, эҳтиёткорлик чораларини кўриш талаб этилади. Булар қаторида Далпикс ҳам тавсия қилинган. Бу препарат гектарига 1-1,5 л. сепилиши мақсадга мувофиқ.

Кимёвий чилпиш учун дориларни пурқаш вақти ва сарфлаш меъёри ғўза ривожига ҳамда бош пая бандлигига кўра белгиланади. Энг мақбул муддат – ўрта талали ғўза навларида ҳосил шокси 12-14 тага етган пайтдир. Дорилар билан ишлов беришни сугоришдан 6-7 кун олдин ўтказиш янада самаралидир.

Пиксини ишлатиш меъёри ўсимликнинг бўйига, ривожланиш даражасига қараб гектарига 0,5-1,0 литрни ташкил қилади. Агар ғўза тупи бақувват бўлса, унинг сарфи 1,5 литргача етказилиши мумкин. Бунда сувли аралашма меъёри гектарига 200-300 литрдан ошмаслиги керак. Препаратни тонги ва кечки соатларда сепиш мақсадга мувофиқдир. Умуман олганда ғўза гарқ гулга кирган пайтда чилпиш ўтказиш энг яхши натижа беради.

**Ренат НАЗАРОВ,**  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган қишлоқ  
хўжалик ходими.

## ✓ ЭЪЛОН

### ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА! “КО`СНМАС MULK SAVDO XIZMATI” МЧЖ ТАКРОРИЙ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

ТИФ Миллий банки қошидаги “НБУ Бунёдкор Инвест” МЧЖнинг 2019 йил 22 июлдаги 741-сонли буюртманомасига асосан куйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Анджон вилояти Олтинкўл туманида жойлашган умумий майдони 7000,0 кв.метр, қурилиш майдони 6913,0 кв.метр, 5 та литердан иборат бўлган “Оқтепа деҳқон бозори” 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотурароғх. Бошланғич баҳоси – 2 242 071 000 сўм.
2. Жиззах вилояти Арнасой туманида жойлашган умумий майдони 5600,0 кв.метр, қурилиш майдони 995,9 кв.метр, 3 та литердан иборат бўлган “Арнасой деҳқон бозори” 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотурароғх. Бошланғич баҳоси – 416 940 000 сўм.
3. Сирдарё вилояти Ховос туманида жойлашган умумий майдони 5600,0 кв.метр, қурилиш майдони 892,0 кв.метр, 9 та литердан иборат бўлган “Ховос деҳқон бозори” 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотурароғх. Бошланғич баҳоси – 1 962 303 000 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 1 август куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Юқоридаги мулк 2019 йил 1 август куни сотилмаган тақдирда, тақрорий савдолари 2019 йил

6, 12 август кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:  
– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

– жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда вақил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо голибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабдорлар мулкнинг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини “Ko`snmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиалидаги х/р:22604000204920609001, МФО: 01121, СТИР: 207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй. Тел: (0371) 228-80-27, 228-80-26. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru

Лицензия RR-0001.

## “МЭРС” микробиоўғитининг афзаллиги нимада?

**Профессор Султан Усманов** томонидан яратилган “МЭРС” микробиоўғитининг асоси етти хил табиий ўсимлик бўлиб, ўзининг табиийлиги ва таъсирчанлиги билан деҳқонларга юқори ҳосил олишда қўл келмоқда.



Ушбу микробиоўғит қишлоқ хўжалиги экинларига минерал ўғитлар билан қўлланилганда қўшимча ҳосил олиш имконияти борлиги илмий-тадқиқот институтлари томонидан ўтказилган дала синовларида ҳамда бир қатор фермер хўжаликлари экин майдонларида ўз исботини топган. Шунингдек, “МЭРС” микробиоўғити кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари Давлат комиссияси томонидан ўсимликларни ўсиш ва ривожланиш жараёнларини жаддаллаштирувчи ҳамда ҳосилдорлигини оширувчи восита сифатида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ишлатиш учун рухсат этилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхатига киритилган.

Ер майдонларида ўтказилган синовларда ҳосилдорлик гектарига пахтада 7-10, сабзавотларда 80, полиз экинларида эса 120 центнергача ошгани кузатилади. Натижада мазкур микробиоўғитга нафақат Наманган вилоятидан, балки республикамизнинг бошқа ҳудудларидан ҳам буюртмалар туша бошлади.

Сирасини айтганда, дунёда ўғитларнинг қўллаб турлари бор. Ҳар қандай ўғитнинг ўзига яраша таъсири, фойдали ва зарарли томонлари мужассам. Хўш, ушбу препаратнинг афзаллиги нимада?

Биринчидан препарат табиий маҳсулотлардан тайёрланади. Шу боис, инсон организми учун зарари йўқ. Ҳосилдорлиқни оширади, мутахассисларнинг таъкидлашича, тупроқда 35 фоизгача намликни сақлаб туради ва минерал ўғитлар билан бирга қўлланилганда ўсимлик ўғитни тўлиқ ўзлаштиради. Тупроқ ҳаводан оладиган азот, фосфор ва бошқа элементларни эритиб, ўсимлик илдизга етказиб берадиган микроорганизмларнинг миқдори 5 баробаргача кўпайиши натижасида ўсимлик қўшимча азот билан таъминланади. Тупроқ, фосфор ва ўсимликларни шаклланишига оид 16-20 макро ва микро элементлардан максимал фойдаланади. Минерал ўғитларнинг самарадорлигини 20-25 фоизга орттириши билан бошқа ўғитларни 2 баробаргача кам сарфлаб, юқори ҳосил олиш имкониятини беради. Бу эса етиштириладиган ҳосилнинг таннархига ижобий таъсир қилади, албатта.

2018 йилда чуқури пахтакорлар давлатга пахта хомашёси сотишни республикада биринчи бўлиб бажарди. Улар ўзларининг ютуқларини чинакам меҳнат ва “МЭРС” микробиоўғити билан изохлашди. Негаки, ушбу препарат қўлланилган экин майдонларида ҳосилдорлик кўпайганидан эҳтиёт бўлган. Тумандаги бир қатор фермер хўжаликлари, жумладан, “Сабзор Машъали” фермер хўжалиги жамоаси 42 гектар майдондаги гўзага препаратни икки марта қўллаганидан сўнг, ҳосил элементлари кўпайиб, иссиқ кунларда ҳам гул ва шона ташлаш ҳолатлари кузатилмаган. Натижада юқори ҳосил яратилиб, гектарига шартномада белгиланган 32 центнер ўрнига 42 центнер ҳосил етиштириб, давлат хирмониға 131 тонна ўрнига 172 тонна пахта хомашёси топширган. Бу каби фермер хўжаликлари туманда қўллаб топилди. Улар юқори ҳосил ва баракали даромад олганликлари боис бу йил “МЭРС” микробиоўғитини комил ишонч билан қўлламоқда.

— Мен ушбу препаратни қўллаб, фойдасини билдим, — дейди Тўрақўрган туманидаги “Бахтиёр Нетьматжон Шавкатжон” фермер хўжалиги раҳбари. — Ҳўзамизга ёшлигида гек-

тарига 200 граммдан микробиоўғит сепгандик, сув қуйишдан олдин яна бир марта суспензия қилиб чиқдик. Натижа жуда яхши. Ҳўза ниҳоллари ривожга авж олиб, бутун бошли гўза пайкали бир хил кўринишга келди. Айрим жойи паст, айрим жойи баланд бўлиб қолмади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳар бир туп ўсимликда 25 тагача ҳосил элементлари мавжуд. Бу дегани, ҳосилдорлик кўпайганидан аъло бўлади. Ушбу микробиоўғитни қўллаганим учун аммиакли селитрани гектарига бор-йўғи 300 килограммдан бердим. Илгари гектарига 800 килограммгача аммиакли селитра ва бошқа минерал ўғитлар солганмиз, бироқ натижа кўпайганидек бўлмаган.

— 15 гектар пахта майдонимиз бор, — дейди Косонсой тумани Қўқимбой қишлоғи ҳудудидаги “Якка саъда ниҳоли” фермер хўжалиги раҳбари. — Умумий гўза майдонимизнинг 7 гектарига “МЭРС” препаратини сепиб кўрдик, айни кунда қолган 8 гектарга сепмаганимизга афсус қилаемиз. Сабаби, препарат сепилган майдондаги гўзанинг авжи ва ҳосили кўзни ҳам, кўнгилни ҳам қувонтиради. Препарат сепилмаган майдонларимиздаги ўсимликнинг ҳолати мактагулик эмас. Кеңроқ бўлсада, ушбу майдонларга ҳам микробиоўғитни сепишни бошладик. Натижаси яхши бўлишига умид қиламиз. Ушбу инновацион микробиоўғитни барча фермерларга тавсия қиламан.

Мутахассиснинг айтишича, ушбу препаратни гўзага ишлатишда уруғни дорилашдан бошлаш керак. Бир гектар майдонга етадиган уруғни экишдан 1 кун аввал 0,1-0,2 литр препарат 3 литр сувда аралаштириб пуркалади. Иккинчи ишлов гўза 3-5 барг чиқарганда 0,4-0,5 литр препарат 300 литр сувда эритиб суспензия қилинади. Учинчи ишлов шоналаш даврида 0,5-0,7 литр, тўртинчи ишлов эса гуллаш даврида гектарига 0,8 литр препаратни 300 литр сув билан аралаштириб амалга оширилади. Ана шунда гўзанинг ривож ва ҳосил тўплаши юқори даражада бўлади. Жорий йилда июль ойи меъёрагидан иссиқ келиб, қўллаб гўза майдонларида шона ташлаш ҳолатлари юз берди. Агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиб, “МЭРС” микробиоўғити билан ўсимликка ишлов берган фермерлар эса мавжуд ҳосилни сақлаб, ҳосилга ҳосил қўшишининг урдасидан чиқдилар.

Ушбу микробиоўғит нафақат пахта ва галлачиликда, балки боғдорчилик, полизчилик сабзавот ва дуккакли экинлар етиштиришда ҳам юқори самара беради. Масъулияти чекланган жамият шаклидаги “AGRITEC” қўшма корхонаси жамоаси “Даладан дастурхонгача” шиори остида фермер ва деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи барча турдаги ташкилотлар билан экологик тоза маҳсулот етиштиришда яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёр.

Анвар ҲАҚБЕРДИЕВ,  
“Qishloq hayoti” мухбири.

### ✓Реклама

## “Ўзагротексаноаткорнинг” АЖ тизимидаги “ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ” акциядорлик жамияти

куйдаги қишлоқ хўжалиги техникаларини буюртма асосида ишлаб чиқаради ва сотади:

1. Турли русумдаги замонавий ва барча қулайликларга эга тракторлар (8 турда)
2. Пахта териш машиналари (3 турда)
3. Тиркамалар.



**Эслатма: ушбу қишлоқ хўжалиги техникалари хорижнинг машҳур компаниялари билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган бўлиб, турли афзалликларга эга эканлиги билан ажралиб туради.**

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси 434 уй.  
Мўлжал: (собик ТТЗ корхонаси.) Телефонлар: (71) 264-08-12, (71) 264-77-48. Info@TZST.uz.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Хизматлар лицензияланган.



## ТРАКТОРВОР.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ»  
КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ



(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Маҳсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Хизматлар лицензияланган.



## СПЕШИТЕ ПРИОБРЕСТИ СОВРЕМЕННУЮ ТЕХНИКУ!!!



651 300 000 сум  
254 300 000 сум



KAMAZ 5490 (NEO)

439 300 000 сум  
530 300 000 сум



KAMAZ 5460

480 000 000 сум  
520 000 000 сум




KAMAZ 6460-26001

436 000 000 сум  
505 000 000 сум



KAMAZ 6460-001

201 800 000 сум  
221 900 000 сум



Шторно-тентовый полуприцеп 92 м³

377 700 000 сум  
527 700 000 сум



Полуприцеп-рефрижератор 83 м³

200 000 000 сум  
209 000 000 сум



Прицеп шторно-тентовый 50 м³

ООО "I-Son Avtokorxonasi"

тел: +99 897 447-88-39

Маҳсулотлар сертификатланган.  
Хизматлар лицензияланган.

**ТОГЛАР МАКСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!**

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-П (Б) Бульдозер
- Бульдозер-погрузчик БЛ-750
- Занжири экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-Ц
- Асфальтёрз
- Подъёмник БЛ-99
- “Беларусь” (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- “Беларусь” тракторлари эҳтиёт-қисмлари
- Турли моделдаги шиналар

Маҳсулотлар сертификатланган.  
Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar\_uz@mail.ru www.toglar.uz

## QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси  
тарикидаги ҳамда бошқа  
дахлдор вазирлик ва идоралар.

### Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Жамшид Хўжаев, Шавкат Ҳамроев, Бақридин Зарипов, Шухрат Тешаев, Муҳаммадҷон Тошболтаев, Абдурусул Абдуллаев, Актам Хаитов, Ботир Сулаймонов, Махмуд Тоир, Ҳабиб Темиров (Бош муҳаррир ўринбосари), Раимул Суяров (Бош муҳаррир ўринбосари).

Телефонлар: Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 236-26-47, Аграр масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Иجتимой-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-76-78, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.  
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

### Худудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 592-62-04  
Вилоятлар:  
Андижон — (+99893) 630-73-03;  
Бухоро — (+99891) 401-29-59;  
Жиззах — (+99893) 940-10-78;  
Навоий — (+99891) 332-50-99;  
Наманган — (+99893) 948-53-86;  
Фарғона — (+99890) 407-76-03;  
Самарқанд — (+99893) 349-54-39;  
Сирдарё — (+99894) 168-23-60;  
Сурхондарё — (+99890) 520-20-05;  
Тошкент — (+99890) 976-39-58;  
Хоразм — (+99897) 790-47-61;  
Қашқадарё — (+99897) 290-28-88.

### Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан

2009 йил 13 февралда  
№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.  
Буюртма Г-725, ҳажми 2 босма табоқ,  
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.  
Манзиллими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Газета таҳририятининг ўзида компьютерда терилди ва  
дизайнер Марк ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.  
4 873 нускада чоп этилди.  
НАШР ИНДЕКСИ — 144  
Босишга топширилган вақти: 21.00  
Босишга топширилди: 22.40

ISSN 2010-7021



Навбатчи муҳаррир:  
А.ҲАҚБЕРДИЕВ